

# Мусаффо атроф-муҳит

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ГАРОВИ

*Ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, аждодий ва интеллектуал салоҳиятини рўбعا чўқариш, уларни ҳозирги замон талабларига мос мутахассислар қилиб тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш мақсадида 2010 йил Юртбошимиз томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.*

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам ўз дастурида аҳоли ўртасида экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ҳар бир инсонда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мамлакатнинг ноёб табиатини келгуси авлод учун асраш маъмулиятини ошириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирига ҳамда антропоген таъсиригидан олдини олишни асосий вазифаларидан

бири этиб белгиланган.

Президентиимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек «... бундан бунён Ўзбекистон экологик ҳаракати янги сифат босқичига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда экологик мувозанатни сақлаш, табиат ва инсон ўйғунлигига эришиш кучли фуқаролик жамиятини қуришигидан ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда фуқаролик жамияти институтларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари ҳам муҳимдир. Бугунги кунда бизлар турмуш шароитлари ҳамда ўзгартириб, ҳар кунлик юмушларимизда кўз ўнгимизда содир бўлаётган атроф-муҳит ўзгаришига, унинг ифлосланишига, емирилишига, таназуулига бефарқ бўлмасак экологиянинг бузилиши оқибатида асрлар оша инсон интилган ва эъзозлаган фарзандларимиз генсфонди ўзгаришининг олдини олган бўламиз.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, «экология» деган сўз қанчалик оддий ва ҳаммага тушунарли бўлишига қарамасдан, унинг замонавийлиги ва долзарблиги ҳеч қачон ўзгармайди. Шундай экан, мамлакатимизда ёшларимизга экологик таълим-тарбия бериш соҳасида ягона узлуксиз ўқитиш тизимини тизорек ишлаб чиқиш давр тақозоси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимидagi ўқув муассасаларида экология соҳасида факультетлар, кафедралар фаолият кўрсатаётган бўлса-да, уларда фойдаланилаётган қўлланма ва дарсликларда асосий ўرғу экологияга қаратилган ҳолда табиатнинг бутунлиги тўғрисида саёз маълумотлар келтирилган. Шунинг учун олимларимиз ва мутахассисларимиз экологик таълим дастури ва дарсликлари ҳамда замонавий табиий ресурс ва энергия тежовчи технологиялар бўйича ахборот коммуникация технологиялари асосида ўқитиш тизимини жорий этишга жидаий эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунларга иттиоз этишимиз ва уларнинг ижро этилишини ҳар томонлама назорат қилишимиз ва ҳуқуқий маданият даражамизни юксалтиришимиз зарур.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ташкил этилиши давр талабидир. 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ўн бешта депутатлик ўрнининг квоталаниши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида экоҳаракатдан сайланган депутатларнинг иштирок этиши атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида янги қонунлар ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларни тақомиллаштириш, қонунларнинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан Парламент назоратини олиб бориш, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг фаолигини оширишга қаратилган тадбирларни мувофиқлаштиришда зарур ҳуқуқий майдон бўлиб хизмат қилади.

Экоҳаракатдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган биз депутатлар юксак минбардан фойдаланиб, аввало, ани шу муаммолар юзасидан қатъий фикр-мулоҳазалар юритиб, муҳим қонун ҳужжатларини қабул қилинишига ҳаракат қиламиз. Бу вазифаларни амалга ошириш ҳарёндаи жамиятимизнинг иxtимой-иқтисодий ривожланишини экологик ҳиҳатдан чўқур ўрганган ҳолда қўнунчиликни ҳар томонлама ривожлантириб, ҳаётга татбиқ этиш ва уни назоратга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз депутатларнинг стратегик мақсадимиз – табиий экотизимни асл ҳолида сақлаш, унинг ривожланиши, бус-бутунлиги ва ҳаётийлигини таъминловчи функциясини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш маданияти ва соғлигини яхшилаш, мамлакатнинг экологик ҳаёфсизлигини таъминлаш билан баркамол авлод келажаги учун замин яратишдан иборатдир.

Худойберди АЗЗАМОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик

палатасидаги  
Ўзбекистон Экологик ҳаракати  
депутатлар гуруҳи аъзоси

2-бет

# Мусаффо атроф-муҳит

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ГАРОВИ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

этиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг ҳавфи ҳақда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади». Шундай экан, келажакимиз таянчи бўлган ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол ўсиши учун уларни тоза ичимлик суви, тоза ҳаво, сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш ва пировардида соғлом вонга етишларига қўлай муҳит яратиш олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бунда экологик таълим-тарбия, атроф, табиий муҳитга бўлган муносабатини, энг аввало, ўзимиздан бошлашимиз ҳамда жамиятнинг асосий негизи бўлган оила ва маҳаллада тарбиялашни қайта шакллантириш зарурлигини унутмаслигимиз даркор. Қайта шакллантириш деганимизнинг боиси бора, албатта. Сабаби, азал-азалдан халқимиз табиатни эъзозлаб, табиий неъматлардан оқилана фойдаланиб келган. Уни исроф қилмаслик, ифлослантирмаслик миллий қадрият даражасига кўтаришган. Афсуски, тоталитар тузум даврида бу каби қадриятлар оёқости қилиниб, табиий бойликлардан тажовузкорона фойдаланиш одатий ҳолга айланди. Бунинг учун оша фуқароларимиз бир-бирларига, табиғиятимизга етказилаётган зарарларга нисбатан мурросаси, «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилдаги иллатлардан тизорек қутилса, табиатга нисбатан кўзга қўринмайдиган, эътибордан четда қолаётган салбий таъсирларнинг олдини олган бўлади. Шу билан бир қаторда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига кириб боришиг эришиш билан экологик таълим-тарбия ва атроф-муҳитга муносабат тўғрисидаги махсус сайтларни интернет тармоғига жойлаштириш ҳам экологик муаммоларни ҳал этиш йўлларини топишга хизмат қилади.